



**ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА “МАҲАЛЛА
ЕТТИЛИГИ”НИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ
(ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ БЎСТОН МФЙ МИСОЛИДА)**

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD) доцент

Саиткулов Қодирали Абдисалимович

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Исомиддинов Садирдин Ғанижонович

Бугунги глобаллашув шароитида жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жараёнлар ёшлар хулқ-атвориغا бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ишсизлик, меҳнат миграцияси, оилавий назоратнинг сусайиши ҳамда ахборот муҳитининг кескин кенгайиши айрим ёшларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга мойиллигини оширмоқда. Натижада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари долзарб муаммога айланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Шайхонтохур тумани Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида сўнгги 3 йил давомида жами 37 та жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 16 таси олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар тоифасига киради. 2025 йилда 4 та жиноят қайд этилган бўлса, 2026 йилнинг дастлабки даврида 1 та жиноят содир этилган. Шу билан бирга, жорий йилнинг атиги 2 ойи давомида “102” тизими орқали 69 та мурожаат келиб тушгани криминоген вазиятнинг муайян даражада сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Маҳалланинг демографик ҳолати ҳам жиноятчиликка таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, маҳаллада жами 8750 нафар аҳоли истиқомат қилади, шундан:

- 1025 нафарини ёшлар (14–30 ёш),
- 1382 нафарини вояга етмаганлар,
- 135 нафарини камбағал оилалар аъзолари,



- 50 нафарини меҳнат мигрантлари,
- 2 нафарини ишсиз ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, 77 нафар профилактик ҳисобдаги шахслар, 11 нафар пробация назоратидагилар, 2 нафар гиёҳвандликка мойил шахслар мавжудлиги ижтимоий профилактика ишларини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Жиноятлар асосан одамлар гавжум ҳудудларда содир этилмоқда. Хусусан, ЭКО бозор, Алпомиш муз саройи, Беруний метро атрофи каби объектлар жиноят ўчоқлари сифатида қайд этилган. Маҳалла ҳудудида жами 306 та тадбиркорлик субъекти ва 18 та умумий овқатланиш шохобчаси фаолият юритиши ҳам аҳоли оқими юқори эканлигини ва бу эса криминоген хавфни оширишини англатади.

Шу билан бирга, маҳаллада жиноятларнинг олдини олиш мақсадида 390 та видеокузатув камералари ўрнатилган бўлса-да, уларнинг барчаси ягона назорат тизимига тўлиқ интеграция қилинмаган. Аҳолини қамраб олиш борасида ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, 8750 нафар аҳолидан фақат 688 нафари (7,8%) маҳалла ижтимоий тармоқларига жалб қилинган.

Юқоридаги ҳолатлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш, шунингдек, профилактика ишларини манзилли ва самарали ташкил этиш заруратини белгилайди. Бу жараёнда маҳалла институти, хусусан “маҳалла етилиги”нинг ўрни беқиёсдир. Чунки мазкур тизим орқали аҳолининг турли қатламлари, айниқса хавф гуруҳига кирувчи ёшлар билан бевосита ва тизимли иш олиб бориш имконияти мавжуд.

Мазкур мақолада Шайхонтохур тумани Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ёшлар жиноятчилигининг ҳолати, унинг асосий омиллари, криминоген вазиятга таъсир этувчи шарт-шароитлар ҳамда “маҳалла етилиги”нинг ижтимоий профилактика фаолияти аниқ статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, таҳлил натижалари асосида маҳаллада жиноятчиликни барқарорлаштириш ва унинг олдини олишга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



Олиб борилган илмий-амалий ўрганишлар натижаларига кўра, Шайхонтохур тумани Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида сўнгги 3 йил давомида жами 37 та жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 16 таси (яъни қарийб 43 фоизи) олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар тоифасига мансублиги аниқланди. Бу эса маҳаллада жиноятчиликнинг муайян қисми профилактик чора-тадбирлар орқали бартараф этилиши мумкинлигини кўрсатади.

Жиноятларнинг вақт ва макон кесимида таҳлили уларнинг асосан аҳоли гавжум тўпланадиган, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ҳудудларда содир этилаётганини кўрсатди. Хусусан, куйидаги ҳудудлар криминоген жиҳатдан хавфли нуқталар сифатида ажралиб туради:

ЭКО бозор атрофи – аҳоли ва транспорт оқими юқори бўлган ҳудуд бўлиб, асосан ўғирлик ва талон-торож жиноятлари қайд этилган;

Алпомиш муз саройи атрофи – кўнгилочар ва оммавий тадбирлар ўтказиладиган жой сифатида назоратнинг сусайиши ҳолатларида ҳуқуқбузарликлар содир бўлишига шароит яратади;

Беруний ва Фаробий кўчалари – транспорт қатнови ва савдо объектлари жамланган ҳудуд сифатида криминоген хавф даражаси юқори;

“BON” кафеси атрофи – кечки вақтда фуқаролар тўпланиши натижасида майда ҳуқуқбузарликлар ва жанжаллар эҳтимоли юқори;

“ЧУМА” лабораторияси ёни – гиёҳвандлик воситаларини яшириш ва тарқатиш ҳолатлари кузатилган нуқта сифатида баҳоланган;

“Feed UP” овқатланиш шохобчаси орқа қисми – назоратдан четда қолган ҳудуд сифатида талон-торож ва бошқа ҳуқуқбузарликларга мойил;

овлоқ ҳудудлар (Республика онкология шифохонаси атрофи, Сариосиё кўчаси) – ёритиш, видеокузатув ва жамоатчилик назорати етарли эмаслиги сабабли хавфли ҳудудлар қаторига киради.

Мазкур ҳудудлар таҳлил асосида шартли равишда икки гуруҳга ажратилди, яъни “жиноят ўчоқлари” ва “овлоқ жойлар”. Биринчи тоифага кирувчи ҳудудлар доимий равишда жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори



бўлган, аҳоли гавжум ва иқтисодий фаоллик юқори жойлар ҳисобланса, иккинчи тоифага кирувчи овлоқ жойлар эса назоратнинг етарли эмаслиги, инфратузилманинг заифлиги (ёритиш, камера, патрул) билан ажралиб туради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларнинг асосий қисми мулкка қарши қаратилган бўлиб, айниқса:

очик қолдирилган мулкни ўғирлаш,
савдо шохобчаларидаги талон-торож,
велосипед ва енгил транспорт воситалари ўғирлиги каби ҳолатлар устунлик қилади.

Бу эса жабрланувчиларнинг ўз мулкига нисбатан бепарволиги, объектларнинг етарли даражада кўриқланмаганлиги ҳамда техник воситалар билан таъминланмаганлиги каби омиллар билан бевосита боғлиқ.

Шу билан бирга, маҳаллада жами 390 та видеокузатув камералари мавжуд бўлишига қарамасдан, уларнинг барчаси ягона назорат тизимига интеграция қилинмаганлиги аниқланди. Бу эса жиноятларни тезкор фош этиш ва олдини олиш имкониятларини чекламоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, маҳалладаги криминоген вазият асосан ҳудудий омиллар, назоратнинг етарли эмаслиги, аҳоли хулқ-атвори ва техник таъминланиш даражаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу омилларни бартараф этиш орқали жиноятчиликни сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Маҳалла ҳудудидаги криминоген вазиятни комплекс ўрганиш мақсадида таҳлил ишлари тўртта асосий омил — ташқи, ички, ижтимоий-маиший ва мурожаатлар омиллари асосида амалга оширилди.

Ташқи омиллар таҳлили маҳалладаги криминоген вазиятга таъсир этувчи объектив шарт-шароитларни баҳолаш имконини берди ва ушбу йўналиш “қониқарсиз” деб топилди. Жумладан, маҳалла ҳудудида жами 306 та тадбиркорлик субъекти ҳамда 18 та умумий овқатланиш шохобчалари фаолият юритиши аҳоли ва транспорт оқимининг юқори эканлигини кўрсатади. Шунингдек, ҳудудда йирик савдо объекти - ЭКО бозор, Алпомиш муз саройи



хамда Беруний метро бекатининг жойлашганлиги фуқаролар тўпланишини янада ошириб, криминоген хавфни кучайтирувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Маҳаллада жами 390 та видеокузатув камералари мавжуд бўлишига қарамасдан, уларнинг ягона назорат тизимига тўлиқ интеграция қилинмаганлиги жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Ички омиллар, яъни субъектив хусусиятга эга бўлган кўрсаткичлар таҳлили эса нисбатан “қониқарли” деб баҳоланди. Хусусан, маҳаллада 77 нафар профилактик ҳисобдаги шахслар мавжуд бўлиб, улар билан мунтазам профилактик суҳбатлар олиб борилмоқда. Шунингдек, 11 нафар шахс пробация назорати остида бўлиб, уларнинг ижтимоий мослашуви устидан назорат амалга оширилмоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, 2 нафар шахс гиёҳвандликка мойил, 3 нафар шахс эса спиртли ичимликларга ружу қўйган бўлиб, бу ҳолатлар индивидуал профилактика чораларини талаб этади.

Ижтимоий-маиший омиллар таҳлили эса маҳалладаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида “қониқарсиз” деб баҳоланди. Жумладан, маҳаллада 1025 нафар ёшлар ва 1382 нафар вояга етмаганлар истиқомат қилиши, шунингдек 135 та камбағал оилалар мавжудлиги ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Бундан ташқари, меҳнат миграцияси жараёнлари ва ижтимоий заиф қатламнинг мавжудлиги айрим ёшларнинг назоратдан четда қолишига ва ҳуқуқбузарликка мойиллигининг ошишига олиб келиши мумкин.

Мурожаатлар омиллари таҳлили “қониқарли”, бироқ юқори юкламада эканлиги билан тавсифланди. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки икки ойи давомида маҳалла ҳудудидан “102” тизими орқали 69 та мурожаат келиб тушгани аҳоли томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишонч мавжудлигини кўрсатади. Бироқ ушбу мурожаатларнинг кўп қисми киберфирибгарлик, ўғирлик ва бошқа мулкый ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ эканлиги профилактика ишларини янада кучайтириш зарурлигини англатади.



Мазкур омиллар таҳлили билан бир қаторда, “маҳалла етилиги” томонидан амалга оширилган ижтимоий профилактика ишлари ҳам ўрганилди. Унга кўра, маҳаллада 283 та хонадон вакиллари билан манзилли суҳбатлар ўтказилган бўлиб, бу орқали аҳолининг ҳуқуқий онги ва огоҳлиги оширилган. Профилактика инспекторлари томонидан берилган 60 та хулоса тўлиқ ўрганилиб, улар асосида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган. Шунингдек, 7 мартаба тарғибот тадбирлари ташкил этилган ва улар доирасида 1000 дан ортиқ аҳоли қамраб олинган.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида маҳалла Telegram канали орқали 688 нафар фуқаро қамраб олинган бўлиб, уларга жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган материаллар етказиб берилган. Бундан ташқари, таълим муассасалари ва ташкилотларда 753 нафар талаба ва ишчилар иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилган.

Олиб борилган ўрганишлар натижасида ижтимоий хавфи юқори бўлган оилалар аниқланиб, қўшимча равишда 17 та шундай оила рўйхатга олинган. Шунингдек, 9 нафар шахсга индивидуал профилактика чоралари белгилаб, улар “маҳалла етилиги” аъзоларига бириктирилган ҳолда манзилли иш ташкил этилган.

Умуман олганда, амалга оширилган таҳлиллар “маҳалла етилиги”нинг профилактика фаолияти муайян натижалар берганлигини кўрсатса-да, айрим йўналишларда, айниқса ижтимоий-маиший ва ташқи омиллар бўйича ишлар самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Олиб борилган таҳлиллар асосида маҳалла ҳудудида криминоген вазиятни барқарорлаштириш, айниқса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Аввало, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида “Кўнгилли посбон” (волонтёр) тизимини жорий этиш зарур. Ушбу тизим орқали маҳалла фаоллари, ёшлар ва фуқароларни жамоат хавфсизлигини таъминлаш



жараёнларига жалб қилиш, уларнинг фаоллигини рағбатлантириш орқали профилактика самарадорлигини ошириш мумкин.

Шунингдек, таҳлиллар жиноятлар асосан куннинг 12:00 дан 18:00 гача бўлган вақт оралиғида ва аҳоли гавжум ҳудудларда содир этилаётганини кўрсатгани боис, айнан “жиноят ўчоқлари”да пиёда ва автопатрул хизматларини кучайтириш, кўриқлаш ходимларини объект ташқарисида ҳудудий назоратга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Техник профилактика чоралари доирасида ЭКО бозор, Алпомиш муз саройи ва Беруний метро атрофида мавжуд видеокузатув камераларини ягона назорат тизимига интеграция қилиш, шунингдек камералар етишмайдиған жойларга қўшимча равишда ўрнатиш зарур. Бу жиноятларни тезкор аниқлаш ва олдини олиш имкониятларини кенгайтиради.

Мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш мақсадида виктимологик ёндашувни кучайтириш, яъни аҳоли, айниқса ҳайдовчилар ўртасида “Автомобилда қимматбаҳо буюм қолдирманг” мазмунида тарғибот ишларини манзилли ташкил этиш, огоҳлантирувчи белгилар ва баннерлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий ёндашув сифатида “рақамли маҳалла” тизимини ривожлантириш, яъни маҳалладаги видеокузатув, SOS тугмалари, ёритиш тизимлари ва профилактика маълумотларини ягона ахборот платформасига бирлаштириш, профилактика инспекторлари фаолиятини рақамлаштириш зарур.

Бошқарув сервис компаниялари (БСК) фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш, кўп қаватли уйлар инфратузилмасини (ертўла, ёритиш, санитар ҳолат) яхшилаш орқали овлоқ ва назоратсиз ҳудудларни қисқартириш ҳам криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, уйбоши ва кўчабоши институтларининг фаолиятини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, уларни жамоат хавфсизлигида фаол иштирок этувчи субъект сифатида шакллантириш муҳимдир. Бунинг



учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Хорижга чикувчи ва қайтиб келувчи фуқаролар билан профилактик суҳбатларни тизимли ташкил этиш, уларни электрон рўйхатга олиш орқали экстремизм, терроризм ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин.

Шунингдек, “йўл харитаси” асосида маҳалладаги “жиноят ўчоқлари” ва “овлоқ жойлар”ни муҳандислик-техник жиҳатдан мустаҳкамлаш, яъни ёритиш чироқлари, видеокамералар, ташвиш тугмалари, сунъий тўсиқлар ва бошқа хавфсизлик инфратузилмасини жорий этиш зарур.

Умуман олганда, мазкур таклиф ва тавсияларни амалга ошириш маҳаллада жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва “маҳалла етилиги” фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Олиб борилган илмий-амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Шайхонтохур тумани Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жиноятчилик даражаси юқори эмас, бироқ уни барқарор деб баҳолаш мумкин эмас. Хусусан, сўнгги 3 йилда 37 та жиноят содир этилгани ва уларнинг 43 фоизи олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар эканлиги профилактика ишларида захира имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг шаклланишида асосий омиллар сифатида ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ишсизлик, оилавий назоратнинг етишмаслиги, ахлоқий қадриятларнинг сусайиши ҳамда профилактика ишларининг етарли даражада тизимлаштирилмаганлигини қайд этиш мумкин. Шунингдек, аҳоли гавжум ҳудудларда назоратнинг етарли эмаслиги, видеокузатув тизимининг тўлиқ интеграция қилинмаганлиги ва овлоқ жойларда инфратузилманинг заифлиги жиноят содир этилишига қулай шароит яратмоқда.

“Маҳалла етилиги” томонидан амалга оширилаётган профилактика ишлари маълум ижобий натижалар бераётган бўлса-да (масалан, аҳоли билан манзилли ишлар, тарғибот тадбирлари, хавф гуруҳларини аниқлаш), уларнинг



самарадорлиги ҳали тўлиқ даражада таъминланмаган. Бу эса мазкур тизимни янада такомиллаштириш, унинг фаолиятини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Хусусан, профилактика ишларини интеграциялашган, рақамли ва манзилли ёндашув асосида ташкил этиш, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал профилактика механизмларини жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар жиноятчилигининг барвақт олдини олишда “маҳалла етилиги”нинг ўрни беқиёс бўлиб, унинг фаолиятини илмий асосда такомиллаштириш орқали маҳаллада барқарор криминоген муҳитни шакллантириш ва жиноятчиликни сезиларли даражада камайтириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. – Т., 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-2-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 августдаги 253-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 15-сон “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирокини рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 июндаги 334-сон қарори.



8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 99-сон қарори.
9. Абдурасулов Қ. Криминология: дарслик. – Т.: Адолат, 2020.
10. Раҳмонов А. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назарияси ва амалиёти. – Т.: ИИВ Академияси, 2021.
11. Исмаилов И. Виктимология асослари. – Т.: Юридик адабиётлар, 2019.
12. Қодиров Б. Жиноятчиликка қарши курашишда ижтимоий профилактика. – Т.: Фан, 2022.
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги материаллари (статистик маълумотлар ва таҳлилий ҳисоботлар).
14. “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими маълумотлари.
15. А.А.Nasritdinov-2025 “Ички ишлар органларининг тезкор қидирув бўлинмаларида қидирув ишини ташкил этишнинг таҳлили” (Жазони ижро этиш муассасалари мисолида)

<https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8543180531167231457&btnI=1&hl=ru>

16. Исомиддинов, С. "Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари." Жамият ва инновациялар-Общество и инновации-Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б (2024): 185-192.